



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2012 йил 5 апрель, № 66 (5486)

Пайшанба

Мамлакатимизда:

Воқеалар,
янгиликлар,
хабарлар

Наманган

Наманган шаҳрилик Латифжон Садриддинов томонидан тайёрланаётган миллий каштачилик буюмларини нафақат маҳаллий сайёҳлар, балки хорижлик меҳмонлар ҳам катта қизиқиш билан харид қилишмоқда. Яқинда хунарманд бир йўла Япония ва бир қатор Европа мамлакатларидан буюртмалар олди.

Хунарманд хориждан буюртма олди

Ўтган ҳафта Тошкентда “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жағфармаси томонидан ташкил этилган “Bazar-Art” халқаро кўргазма-ярмаркасида хунарманд томонидан намойиш этилган 80 дан зиёд турдаги каштачилик буюмлари чет элликларни қизиқтириб қолди.

— Садриддиновлар сулоласининг атлас ва адрас матоларига битган ипак кашталари нафислиги ва ўзига хос жозибadorлиги билан ажралиб туради, — дейди “Хунарманд” уюшмаси вилоят бошқармаси раҳбари

Икромжон Каримов. — Қолаверса, анор, пизё, ёнгоқ пўстидан тайёрланган табиий бўёқлардан фойдаланиши унинг хунармандчилик маҳсулотларига ёрқин жило бахш этади.

Айтиш керакки, Наманганда биргина “Хунарманд” уюшмасининг 800 нафардан зиёд аъзоси бор. Улар мингдан ортқ турдаги маҳсулотлари билан миллий хунармандчилигимиз довуругини дунёга ёймоқда.

Қ. НАЖМИДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Қорақалпоғистон Республикаси

Кўнғирот туманидаги “Тўртқара сексен” фермер хўжалиги қошида кунига 500 литр сутни қайта ишлашга мўлжалланган янги технология линия ишга туширилди.

Кўнғиротда янги лойиҳа

Қиймати 87 минг АҚШ долларига тенг ушбу лойиҳа рўёбга чиқарилиши билан қўшимча иш ўринлари яратилди.

— Президентимизнинг фермерларга яратиб бераётган имкониятларидан фойдаланиб фаолиятимизни кенгайтирдик, — дейди фермер хўжалиги раҳбари Марат Ариқбаев. — Маҳсулотларимизни нафақат ички бозорда, балки қўшни мамлакатларда ҳам сотишни режалаштиряпмиз.

Этиборлиси, Қорақалпоғистон Республикаси Фермер хўжалиқлари уюшмаси сайъ-ҳаракати билан айни пайтда яна 3 та ана шундай истиқболли лойиҳа амалга оширилмоқда.

Х. АҲМЕДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Андижон

Балиқчи туманидаги Наврўз Ҳамроқулов раҳбарлик қилаётган “Кувват ул камол” хусусий корхонасида 20 турдан ортқ спорт либослари ҳамда жиҳозлари ишлаб чиқарилмоқда.

«Чевар» компьютерлар

Этиборлиси, бу ерда иш жараёни тўлиқ компьютерлаштирилган. Яъни бичиш-тиқиш ишлари хориж технологиялари ёрдамида, автоматик равишда амалга ошириляпти.

Эндиликда корхонада бокс кўлақлари ҳамда бош қисми химоя қилувчи воситалар тайёрлаш ҳамда

ёрлаш ҳам ўзлаштирилди. Маҳаллийлаштириш дастури доирасида амалга оширилган ушбу лойиҳа туфайли 14 та иш ўрни вужудга келди. Бундан ташқари, 6 нафар касаначига меҳнат дафтарчаси очилди.

О. ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Тошкент вилояти

Айни пайтда пойтахт вилоятида йўловчи ташиш билан шуғулланувчи 140 дан ортқ корхона ва ташкилот аҳолига тезкор ҳамда сифатли транспорт хизмати кўрсатапти.

Олис манзил яқин бўлди

Ўрта Чирчиқ туманидаги “Корбонбек бизнес” масъулияти чекланган жамияти ҳам шулардан бири. Яқинда корхона томонидан Уртасарой қишлоғини туман маркази билан боғловчи янги йўналиш хизмати йўлга қўйилди. Ҳозир мазкур йўналишда 10 дан ортқ замонавий микроавтобуслар қатнай бошлади. Табиийки, бу қўлайликдан қишлоқ ахли мамнун.

Умуман, кейинги бир йил ичида вилоят аҳолисига кўрсатилмаётган транспорт хизмати сифатини янада яхшилаш мақсадида 27 та янги йўналиш жорий этилди.

Ф. ШЕРАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Қулай инвестициявий муҳит

иқтисодий салоҳиятимизнинг юксалишида муҳим аҳамиятга эга

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган

Изчил ривожланиш ва тадбиркорлик соҳасидаги қатор имтиёзлар чет эл сармояларини жалб қилишда муҳим омилдир. Бугун юртимиз ишлаб чиқарувчилари билан ҳамкорликка бел боғлаган хорижлик ишбилармонлар ана шундай имкониятлар туфайли ўз фаолиятини йилдан-йилга кенгайтиришга интилимқодалар. Пировардида чет эл инвестицияси иштирокида ташкил этилаётган қўшма корхоналар сони тобора кўпайиб бораётир.



Масъулияти чекланган жамият шаклидаги “Habib-tex” Ўзбекистон — БАА қўшма корхонаси ўтган йили Гулистон шаҳрида иш бошлаган эди. Бу ерга Япония, Хитой каби давлатлардан илгор технологиялар келтириб ўрнатилгач, қисқа муддатда трикотаж маҳсулотлари тайёрлаш ўзлаштирилди. Сифатли ва бежириб либослар хорижда ҳам ўз хариддорларини топди.

— Корхонамизга 176 донна замонавий тикув дастгоҳи ўрнатилган, — дейди қўшма корхона бош директори Отаназар Сотимов. — Ускуналарнинг ҳар бирини мала-

кали мутахассислар бошқармоқда. Уларнинг аксарияти ёшлар. Ўтган йили касб-хунар коллежларини тамомлаган 80 нафар мутахассисни ишга қабул қилдик. Улар кўмағида йилига 1

миллион 200 минг донна катталар спорт кийимлари, 500 минг донна болалар спорт либослари ишлаб чиқариш имконияти юзага келди.

— Шу ерга ишга кирганимдан хурсандман, — дейди тикувчи

Зебо Янгибоева. — Устозларимдан чеварлик сирларини кўнг билан ўргандим. Маҳсулотларимиз экспорт қилинаётгани боис иш сифатига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу орқали тажрибамиз-

ни ошириб бораёпмиз. Корхонадан барча шарт-шароит яратилган. Бепул тушлик берилади. Маошимиз ҳам яхши.

(Давоми 2-бетда).

Биз ва жаҳон

Ўзбекистон делегациясининг Малайзияга ташири доирасида Куала-Лумпур шаҳрида икки мамлакат ишбилармон доиралари иштирокида бизнес-анжуман бўлиб ўтди.

Мамлакатимизнинг дипломатия миссияси томонидан Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва “МЕХРА” Малайзия экспортчилари уюшмаси билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур тадбир унинг иштирокчиларига Ўзбекистон ва Малайзиянинг иқтисодий салоҳияти ҳамда имкониятлари ҳақида атрафлича фикр алмашиш имконини яратди.

Анжуманда ўзаро савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада ривожлантириш, “Навой” эркин индустриал-иқтисодий ҳудуди доирасидаги қўшма лойиҳаларни амалга ошириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Тадбирда қишлоқ хўжалиги соҳасидаги икки томонлама алоқалар ҳамда Ўзбекистон ва Малайзиядаги фермер хўжалиқлари ҳамда тадбиркорлар ўртасида шериклик муносабатларини йўлга қўйиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон делегацияси аъзолари малайзиялик ишбилармонлари Қорақалпоғистон Республикасининг иқтисодий, сармоявий ва

сайёҳлик салоҳияти хусусидаги маълумотлар билан таништирар экан, мезбонларга қишлоқ хўжалигидаги мавжуд ҳолат ва эришилган муваффақиятлар ҳақида гапириб бердилар. Шунингдек, Ўзбекистон-

Куала-Лумпур ишбилармонлар анжуманида

да етиштириладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий турлари тўғрисидаги маълумотлар ҳам малайзиялик тадбиркорларда катта қизиқиш уйғотди. Тадбир чоғида Ўзбекистонда мева ва сабзавот ишлаб чиқарилиши ҳамда уларнинг қайта ишланишини янада ривожлантиришга ушбу мамлакат агрокомпанияларининг сармоя ва технологияларини жалб қилиш, шולי етиштириш, балиқчиликни тараққий топтириш бўйича Малайзия тажрибасини ўрганиш ҳам мулоқотларнинг асосий мавзуси бўлди.

“МЕХРА” Малайзия экспортчилари уюшмаси ижрочи директори Ко Си Тянг икки томонлама

савдо-сотқиқни ривожлантириш борасида ҳам томонлар катта салоҳиятга эга эканлигини таъкидлар экан, Малайзия ишбилармон доиралари ўзаро манфаатли қўшма лойиҳаларни амалга ошириш имкониятларини ўрганишга катта қизиқиш билдираётганини маълум қилди.

Ко Си Тянг таъкидлаганидек, тенг манфаатли ҳамкорлик йўллариини излаш тоғиш “МЕХРА” фаолиятининг устувор йўналишига айланди. У ўзи раҳбарлик қилаётган ташкилот ўзаро ҳамкорликнинг турли йўналишлари бўйича, жумладан, тажриба ва технологиялар алмашуви учун ҳар томонлама ёрдам кўрсатишга тайёр эканлигини айтди.

Малайзия Бирлашган ҳинд савдо-саноат палатаси вице-президенти С. Шантакумар Ўзбекистон тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш учун етарли салоҳият ва барча зарур имкониятларга эга эканлиги ҳақидаги мулоҳазаларини ўртоқлашди. Унинг фикрича, Ўзбекистонда “Навой” эркин индустриал-иқтисодий ҳудудининг ишга туширилиши келажақда ўзининг ижобий натижаларини беришига шубҳа йўқ.

«Жаҳон» АА.
Куала-Лумпур

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Мамлакатимизда аҳолининг кенг қатламлари манфаатларини қўллаб-қувватлашда фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг жадал шаклланиши ва ривожланиши учун катта имконият ва қўлайликлар яратиб берилаётгани муҳим аҳамият касб этапти.

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

Зеро, улар бугунги кунда демократик кадрлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини химоя қилишнинг муҳим омилга айланмоқда, фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўёбга чиқариши, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаолиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратмоқда, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашмоқда. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида илгари сурилган қонунчилик ташаббуслари ҳам бу борадаги таарқиёт суръатларини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилаётир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат ноти-

жорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг навбатдаги йиғилишида ана шулар алоҳида таъкидланди.

Шубҳасиз, хозирги даврда “учинчи сектор”нинг ижтимоий фаолиги, хусусан, уларнинг ҳудудларни ривожлантириш дастурларини амалга оширишдаги ролини кучайтириш долзарб аҳамиятга эга. Парламент комиссияси томонидан шу мақсадда 2011 йилда 5 млрд. сўм миқдоридagi маблағ давлат гранти, субсидия ва ижтимоий буюртма шаклидаги 230 дан ортқ лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилди.

(Давоми 2-бетда).

Интилиш

Китоб туманидаги “Осиё жаҳоирлари” хусусий корхонасида хориж технологияси асосида микрокальцит, кварц ҳамда мрамор тошлардан ўнга яқин турдаги қурилиш материаллари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Илгор технология меваси

400 миллион сўмлик маблағ эвазига амалга оширилган ушбу лойиҳа туфайли бу ерда ойига 300 тонна маҳсулот тайёрлаш имконияти яратилди. Муҳими, йигирмадан ортқ қўшимча иш ўринлари ташкил этилди.

— Мавжуд қонлардан қазиб олинаётган руда таркибининг 73 фоизини кварц ташкил этади, — дейди корхона раҳбари Азимжон Бердиев. — Республика Фанлар академиясининг Материалшунослик илмий текшириш институти олимлари ҳам ушбу хом ашёнинг бебаҳо эканлигини эътироф этишган. Бу ерда қайта ишланаётган кварцдан чинни маҳсулотлари, ўтга чидамли гишт ва бошқа қурилиш материаллари ишлаб чиқариш учун фойдаланилади. Бундан ташқари, цехимизда микрокальцит маъданидан бўёқ учун зарур бўлган хом ашё, оқ мрамор парчалари ва бошқа қурилиш материаллари тайёрланапти. Келгусида кварцдан ойна ва шиша маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ҳам режалаштиряпмиз.

Муборак ОХУНОВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

А. МУҲАММАДИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Бизнес ғоялари — амалиётга

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ташаббуси билан видеоанжуман ташкил этилди.

Таълим

Мазкур тадбир ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчиларининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йўналишидаги билим ҳамда қўшимчаларини шакллантириш мавзусига бағишланди. Анжуманда олий таълим муассасалари ҳамда касб-хунар коллежларининг профессор-ўқитувчилари қатнашди.

Тадбирда таъкидланганидек, мамлакатимиз таълим соҳаси ривожига қаратилаётган эътибор туфайли ёш авлоднинг замонавий асосда пухта билим олиши учун муносиб шарт-шароитлар яратилмоқда. Ана шундай имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда бугун касб-хунар коллежларида таълим олаётган ёшлар-

нинг мақсад ва интилишларини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг ўзлари қизикқан йўналиш бўйича малакали мутахассис бўлиб етишишларини таъминлаш долзарб вазифалардан биридир.

— Ёшларнинг тадбиркорлик соҳасига қизиқишини кучайтириш таълим масканидаги ўқитувчи-педагоглар зиммасига катта масъулият юклайди, — дейди Тошкент давлат иқтисодий университетини доценти Муҳаммаджон Қосимов. — Негаки, ҳар бир ёш тадбиркор бизнес-режа асос-

лари, ишлаб чиқариш ёхуд хизмат кўрсатиш объекти фаолиятини йўлга қўйиш, шунингдек, маркетинг ҳамда молиявий бошқарув соҳаси бўйича кенг тушунча ва тасаввурга эга бўлиши лозим. Бу билимлар касб-хунар коллежиди таълим олиш жараёнида шаклланиб бориши мақсадга мувофиқдир. Бугунги видеоанжуманда ҳам ушбу мавзуда сўз юритилиб, малакали мутахассисларнинг янгича услуб ва тажрибалари ўрганилмоқда.

Муборак ОХУНОВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЖАҲОН

24 соат
ичида

**Кўкламда
қиш ташвишлари**

“Интерфакс” ахборот агентлигининг хабар беришича, Россиянинг Сахалин ўлкаси жанубида кучли қор бўронлари кузатилмоқда.

Бунинг оқибатида автомобиль йўлларида қатнов бутунлай тўхтаб қолган. Боз устига, қалин қор туфайли махсус техника воситаларининг ишлаши учун имконият бўлмапти. Ноқулай об-ҳаво сабабли худуддаги мактабларда дарслар вақтинчалик ёпилган. Аэропортда парвозлар бекор қилинган, рейслар кечиктирилган. Аммо ҳозирча электр энергияси таъминотида деярли узилишлар йўқ. Мутахассисларнинг айтишича, худудда эсаётган шамолнинг тезлиги сониясига 30 метрни ташкил этмоқда. Бундай шароитда 500 метрдан узоқ масофани кўришнинг имкони бўлмапти.

Янги поездлар

Швейцариянинг “Stadler Rail Group” концерни Германия темир йўллари компаниясига 42 та янги поезд етказиб берадиган бўлди.

Умумий қиймати 215 миллион еврога тенг бўлган мазкур шартнома 2014 йилгача бажарилиши кўзда тутилган.

Соатига 160 км. тезликда ҳаракатлана оладиган ушбу транспорт воситаларидан яқин келажақда Шимолий Рейн-Вестфалия худудидagi қатновларда фойдаланиш режалаштирилмоқда.

Мазкур русумдаги поездлар замонавий технологиялар ва видеокузатув тизими билан таъминланади.

Торнадо талафотлари

АҚШда юз берган торнадо туфайли Даллас шаҳридаги аэропорт худудида жойлашган юздан ортиқ самолётлар зарар етган.

Табиий офат бир нечта автомобиль ва уй томларини учириб кетган. Зарар кўрган ҳаво кемаларининг асосий қисми “American Airlines” ва “American Eagle” компанияларига тегишли экани айтилмоқда. Синоптикларнинг айтишича, яқин кунларда худудда 12 та ана шундай кучли шамол бўронлари юз бериши мумкин. Торнадо оқибатида 15 нафар одам тан жароҳати олган. Қурбонлар ҳақида маълумотлар йўқ.

Автомобиллар бозорига ўсиш

Японияда жорий йилнинг март ойда автомобиль савдосида 73,2 фоизлик ўсиш кузатилди.

Бу ҳақда “AFP” ахборот агентлиги хабар тарқатди. Манбага қараганда, ўтган ой мамлакатда 497,95 мингта транспорт воситаси сотилган.

2011 йилнинг шу даврида кунҷарак юрда кучли зилзила ва цунами туфайли иқтисодиётнинг кўплаб тармоқлари қатори автосаноат ҳам жиддий йўқотишларга учраган эди.

Жорий йилдаги муваффақиятларнинг асосий қисми “Тойота”, “Ниссан” ва “Хонда” брендлари ҳиссасига тўғри келган.

Энг юпқа батарея

Австрия ва Япония олимлари ўзаро ҳамкорликда дунёдаги энг юпқа кўёш батареясини яратди.

Мазкур қурилманинг қалинлиги бор-йўғи 1,5 микрометрга тенг. Митти кувват манбаининг ҳар икки томони ҳам мустаҳкам ҳимоя қатлами билан қопланган бўлиб, бу уни турли салбий таъсирлардан асрайди. У ўзига қабул қилиб олган нурнинг 4 фоизини электр энергиясига айлантириб бера олади. Бу кўрсаткич кўплаб аънавий батареяларникидан паст бўлса-да, енгиллиги ва ихчамлиги унинг афзал жихатлари ҳисобланади.

Кашандалиқнинг яна бир салбий оқибати

Кашандалиқ ирсий касаллик экан. Бу Буюк Британиянинг Оксфорд университети мутахассислари томонидан аниқланди.

Яъни бу иллатнинг салбий таъсирлари авлоддан авлодга хромосомалар кўринишида ўтади. Буни аниқлаш мақсадида ўтказилган тадқиқотга, асосан, кашандалар жалб этилди. Уларнинг организмни текшириб кўрилганда, худди шундай хромосомалар уларнинг яқинларида ҳам мавжудлиги аниқланди.

Хориз матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.



Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг мамлакатимиз иқтисодиётида қанчалик муҳим ўрин тутиши барчамизга яхши маълум. Соҳада яратилаётган улкан имконият, имтиёз ва шарт-шароитлар, қулай ишбилармонлик муҳити уларнинг фаолиятини ҳар томонлама кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

MIKROKREDITBANK

САМАРАЛИ МЕҲНАТ ВА МУНОСИБ РАҒБАТ

ишбилармонлик фаолияти изчил ривожланишида алоҳида ўрин тутади

Тадбиркорликни ривожлантириш, бу жабҳада меҳнат қилаётган ишбилармонларни рағбатлантириш, шунингдек, уларда тайёрланаётган маҳсулотларни дунё бозорига олиб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Президенти саврини учун ўтказилаётган “Ташаббус” кўрик-танлови, айниқса, муҳим аҳамият касб этмоқда. Бинобарин, 1995 йилдан буён аънавий тарзда ташкил этилаётган мазкур кўрик-танлов ўтган вақт ичида, чин маънода, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кўллаб-қувватлаш, улар эришаётган илғор натижаларни тарғиб қилиш, ёшларда мулкдорлик иштиёқини кучайтириш, умуман, соҳа имкониятларини тезроқ юзга чиқарувчи нуфузли тадбирга айланди, десак, айна ҳақиқатни айтган бўламиз. Танлов давомида тадбиркорларнинг учта асосий номинациядан ташқари “Энг яхши ёш тадбиркор”, “Энг яхши тадбиркор аёл”, “Энг яхши инновацион лойиҳа”, “Ёшларга иш берувчи энг яхши тадбиркор” сингари бир нечта қўшимча йўналишларда беллашаётгани унинг чинакам маҳорат мактабига айланганидан далолатдир.

Риштонлик хунарманд Мирзамасхар Ақромов учун бу йил ниҳоятда омадли кечмоқда. Гап шундаки, у яқинда пойтахтимизда бўлиб ўтган “Ташаббус — 2012” республика кўрик-танловининг якуний босқичида “Энг яхши хунарманд” деб топилиб, махсус диплом, олтин медаль ва Президент совғаси — “Спарк” автомобили билан тақдирланди.

— Мен каби ёшларга ушбу нуфузли танловда иштирок этиш имконият ва шарт-шароитлардан унумли фойдаланаётган, бугуннинг пешқадам ёшларидан бири. У ўз йўналишини ҳам мураккаб, ҳам фахрли касб — хунармандчилик билан боғлади. Зеро, тарихи узоқ йилларга бориб тақалувчи бу касб ота-боболаримиздан мерос. Ушбу меҳнат тури бугунги кунда нафақат кўллаб-қувватланаётган, балки қадр топиб, улуғланаётган. Аслида, мазкур касб Мирзамасхарга бегона эмас. Хунармандчиликнинг сир-асрорларини отасидан ўрганди. Ун икки ёшидан бошлаб эса мустақил равишда ўзини кўлолли маҳсулотларини тайёрлай бошлади. Фаолиятининг

Сирасини айтганда, айнан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий кўллаб-қувватлашга иқтисослаштирилган “Микрокредитбанк” кўмагида иқтисодиётимиз равнақига муносиб ҳисса қўшаётган ишби-



лармонлар сафи кенгайиб бораётган. Банк томонидан ажратилган кредит ёрдамида уларнинг бири чорвачиликни йўлга қўйган бўлса, яна бири сифатли мебель ишлаб чиқарувчи корхонага асос солган, бошқаси эса фирмасида тикилаётган тайёр кийим-кечақлари билан ички бозоримизни бойитмоқда. Хусусан, Жарқўрғон туманидаги “Искандар Исроил”

фермер хўжалигига ўтган йили банкдан ажратилган 55 миллион сўмлик кредитга замонавий трактор харид қилинди. Термиз туманилик Яқоб тартибдаги тадбиркор Алия Имомбердиева эса яқинда банк тақдим этган 1 миллион 800 минг сўм миқдоридagi микрокредит эвазига гиламчиликни кенгайтиришга муваффақ бўлди. Эътиборлики, мазкур тадбиркорлар фаолияти ҳам бу йилги “Ташаббус” кўрик-танловда муносиб баҳоланди. Бошқача айтганда, фермер Омон Аҳадов “Энг яхши оилавий бизнес”, Алия Имомбердиева “Устоз — шогирд мактабини ташкил этган энг яхши хунарманд” номинацияси бўйича галиб бўлди.

“Микрокредитбанк” жамоасининг аҳоли билан ишлаш тизими, шу жумладан, миқозларга қулай шартларда кам физик кредитлар тақдим этиш яхши йўлга қўйилгани натижасидир. Молия муассасасида бу борадаги ишлар кўлами янада кенгайтирилади. Бунда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Хотин-қизлар кўмитаси, Савдо-саноат палатаси, “Шарқ аёли”, “Аёллар Кенгаши” жамоат бирлашмалари, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати сингари ташкилотлар билан муваффақиятли давом этиб келаётган ҳамкорлик алоқалари ақшотиши, шубҳасиз. Зеро, “Микрокредитбанк” маблағлари Мирзамасхар сингари тадбиркор, хунарманд ва фермерларни кўллаб-қувватлашга, янги иш ўринлари яратилишига, мамлакатимиз иқтисодиёти янада юксалтиришга йўналтирилгандир.

Эндиликда ўзбек тадбиркорлари, хунармандлари, ишбилармонлари меҳнатига чет элликлар ҳавас қилаётгани, уларнинг кўлида яратилган ноёб маҳсулотларга ҳайрати ошаётгани бор гап. Демак, дунё ахли ўзбек ишбилармонларини танимокда ва улар меҳнатига тан бермоқда. Бу барчамизга юксак гуруру ва ифтихор бағишлайди, албатта.

Дилшод УЛУҒМУРОВО,
«Халқ сўзи» муҳбири.

• Реклама ва эълонлар •

«RESPUBLIKA MULK MARKAZI» ЁАЖ

БОШЛАНҒИЧ БАҲОСИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ОШИБ БОРИШ ТАРТИБИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Аукцион савдосига ТИФ «Миллий банк»нинг кўйидаги корхона устав фондидаги 1000 фоиз улушлари қўйилмоқда.

Т/р	Аукционга қўйилган объект	Корхона жойлашган манзил	Сотувга қўйилган улуш	Заказат миқдори	Бошланғич баҳоси (сўм ёки АҚШ долларлари)	
					Сўм	АҚШ долларлари
1.	«KERAMIK MODERN» МЧЖдаги улуш	Тошкент ш., Бектемир тумани, Бинокор кўрғони, Зироат к., 7-уй	100 фоиз	10 фоиз	3 410 600 000	1 900 055,71

Аукцион савдоси 2012 йил 7 май кuni соат 15.00 дан бошлаб ўтказилади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабдорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2012 йил 4 май кuni соат 18.00. Юқоридаги улушлар 2012 йил 7 майдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, тақрорий аукцион савдоси 2012 йил 14, 21 ва 28 май кунлари соат 15.00 да бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2012 йил 14 майдаги тақрорий савдо учун — 2012 йил 11 май кuni соат 18.00, 21 майдаги савдо учун — 18 май кuni соат 18.00, 28 майдаги савдо учун — 25 май кuni соат 18.00. **Тўловларни амалга ошириш тартиби:** аукцион голиби улушнинг сотилиш баҳосидан 15 фоиз миқдордаги маблағни савдо ўтказилгандан сўнг бунак пули сифатида, қолган қисмини эса олди-сотди шартномасига асосан, лекин мuddати 1 йилдан ошмаган ҳолда сотувчининг ҳисоб рақамига тўлаши шарт. **Объект миллий валютада бўлиб-бўлиб тўлаш шартли билан сотилган тақдирда, сотиб олиш қийматининг миллий валютадаги қолдиқ қисмига Ўзбекистон Республикаси**

Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси бўйича фоиз ҳисобланади. **Объект хоризжий валютада (ёки унинг эквивалентида) бўлиб-бўлиб тўлаш шартли билан сотилган тақдирда, сотиб олиш қийматининг қолдиқ қисмига банкнинг АҚШ долларлари учун база ставкаси бўйича фоиз ҳисобланади.** Хужжатларни расмийлаштиришда зарур бўладиган давлат бож ва бошқа харажатлар харидор маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. **Мазкур савдода қатнашиш истагидаги талабдорлар савдо ташкилотчиси билан тузилгандиган закат келишувига асосан, ушбу эълонда белгиланган миқдордаги закат пулини савдо ташкилотчисининг ОАИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги кўйидаги ҳисоб рақамига тўлайдилар:** 20210000300571452114, МФО: 01036, СТИР: 200933850. Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан закат тўлови эркин муомаладаги валютада (АҚШ долларлари) ёки миллий валютада (сўм) амалдаги қонунчиликка мувофиқ тўланади. **Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил:** Тошкент ш., Олмазор тумани, 1-Қорақамийш к., 1-«А» уй. **Телефон:** (8-371) 228-79-52. **www.rmm.uz**

Мулқдорлар диққатига! Сиз учун имконият!
«Respublika mulk markazi» ЁАЖ сизларга кўчмас мулк ҳисобланмайдиган барча турдаги мулкларни, хусусан, хўжалик юритувчи субъектлар устав фондидаги улушлар, автомобилотранспорт ва бошқа техник воситаларни оммавий савдога чиқаришда маслаҳат-консалтинг хизматларини кўрсатади ҳамда савдоларни қонуний ва сифатли ташкил этишда амалий ёрдам беради. Кўрсатилган хизматлар «Respublika mulk markazi» ЁАЖнинг кўп йиллик тажрибага эга малакали мутахассислари томонидан амалга оширилади.

«Respublika mulk markazi» ЁАЖ Сизнинг энг ишончли ҳамкорингиз бўлишини қафолаётимиз.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га
ЭЪЛОНЛАР
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15,
236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz

ТРУБА ЗАВОДИ» ҚҚ
«ТОШКЕНТ
ТРУБА ЗАВОДИ» ҚҚ
ЎЗИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН
КUYИДАГИ МАҲСУЛОТЛАРНИ
ХАРИДОРЛАРГА ТАҚДИМ
ЭТАДИ (НАРХЛАР ҚҚС
БИЛАН КЎШИБ
ҲИСОБЛАНГАН)

СУВ ВА НЕФТЬ-ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР, диаметри 325-1620 мм., девор қалинлиги 6,0-24,0 мм., API-5L стандарти, баҳоси 1 тн. учун 3 950 000 сўмдан бошлаб.

СУВ ВА ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 10705-80, диаметри 15-114 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 000 000 сўмдан бошлаб.

ГАЗ ВА НЕФТЬ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 20295-85, диаметри 159-337 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 100 000 сўмдан бошлаб.

Квадрат кесимдаги **ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР** — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20x20, 25x25, 30x30, 40x40, 50x50, 60x60, 80x80, 100x100.

Тўғри бурчак кесимдаги **ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР** — ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30x20, 40x25, 50x25, 30x60, 40x80, 50x100, 60x80, 60x100, 80x120. Девор қалинлиги 1,0-4,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 100 000 сўмдан бошлаб.

КОНСТРУКЦИЯ УЧУН ПРОФИЛ — 80x40x15, 100x40x15, 100x50x20, 120x60x20, 140x60x20, 160x70x20, 180x70x20, 200x70x20. Девор қалинлиги 2,0-3,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 650 000 сўмдан бошлаб.

ПРОФНАСТИЛ — Н-17, Н-25, Н-28, Н-35, Н-57, Н-75 қалинлиги 0,4-0,7 мм., узунлиги 2 м. дан 14 м. гача.

Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.

SONATA

DONGNAM UZ MOTORS
Тел.: (+99871) 250-11-11. Факс: (+99871) 250-55-99.
www.hyundai.com.uz e-mail: hyundai-motors@mail.ru

HYUNDAI NEW THINKING. NEW POSSIBILITIES.

SONATA

МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

EURO2012

Реклама ва эълонлар

ЗАМОНАВИЙ ШИФО МАСКАНИ

Юртимизда баркамол авлод тарбиясига, она ва бола саломатлигини мустақамлаш масаласига доимо устувор вазира сифатида эътибор берилади. Шу боис шифохоналар замонавий тиббиёт жиҳозлари билан таъминланмоқда, кадрлар малакаси мунтазам оширилади. Даволашнинг янги усуллари изчил татбиқ этилапти. Буни Бухоро вилояти болалар психоневрология шифохонаси фаолияти мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

2012 йил — Мустақкам оила йили

— Президентимизнинг "Мустақкам оила йили" Давлат дастури тўғрисидаги қароридан оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш энг муҳим йўналишлар сирасига киритилди, — дейди мазкур шифохона бош врач, тиббиёт фанлари номзоди Мавлуда Ортиқова. — Бу, табиийки, зиммамиздаги масъулиятни янада оширади. Етмиш ўринга эга масканимизда даволаш ишларини жаҳон стандартлари даражасида ташкил этиш учун барча имконият мавжуд. Бизда церебрал фалажлиги, менингоэнцефалитларнинг асоратлари, бош мия ва орқа мия жароҳатидан сўнг қолган асоратлар, наслий тўрма касалликлар, миопатиялар, хромосома касалликлари ва энцефалопатия билан хасталанган 16 ёшгача бўлган болалар даволанади. Шифохонада, шунингдек, уч ёшгача бўлган болаларнинг оналари ҳам муолажа олади.



СУРАТДА: шифохона бош шифокори Мавлуда Ортиқова (ўртада) ва шифокор Нозима Набиева.

Шомурот ШАРАПОВ олган сурат.

Дарҳақиқат, бу ерда беморларни даволашда замонавий диагностика усуллари кенг фойдаланилмоқда. Электроэнцефалограф ускунаси ёрдамида бош мия потенциаллари фаолияти компьютерда ёзиб олинади, таҳлил қилинади. Бу аниқ

ташхис қўйиш ва даволаш самардорлигини оширади. Табиийки, клиник таҳлиллар ўтказилади. Беморлар доимий назоратда. Биргина 2011 йилда шифохонада салкам 600 нафар бемор даволанди. Жондор кимани яшовчи Кумушбиби исми қизалоқ шулардан бири.

— Қизим тутилганида ҳаракат

етти йил давомида босқичма-босқич амалга оширилган даволаш жараёни ўз самарасини берди. Хозир Кумушбиби бемалол юради, гагиради. Кўриш қобилияти ҳам жойида. Она учун ўз фарзанди соғлиғидан кўра қадрлироқ нарса бормикан?

— Аҳоли тиббий маданиятини янада ошириш долзарб масала, — дей-

ди М. Ортиқова. — Замонавий тиббиёт, хусусан, қариндошлар ўртасидаги никоҳ масаласига жиддий эътибор қаратишни тақозо этади. Негаки, бундай никоҳларда нуқсонли бола туғилиши эҳтимоли жуда катта. Яқинда хузуримга бир эмас, икки ногирон боласини даволатгани бир киши келди. Суриштирсам, ўз қариндоши билан турмуш қурган экан. "Ишлаб топган пулимни дори-дармонга сарфлаётман, қизларим соғайиб кетармикан?" дейди. Болаларни имкон қадар даволади, албатта. Лекин ўша отага баъзи ҳолларда тиббиёт ҳам ожиз эканини тушунтиришимизга тўғри келди.

Чиндан ҳам қон-қариндошлар ўртасидаги никоҳ кейинчалик ёш оила бошига кўп таъширлар келтириши мумкин. Чунки боланинг ногирон туғилишидан ота-она изтироб чекади, оила моддий ва маънавий зиён кўради. Бундан жамият ҳам манфаатдор эмас. Ана шуни ҳисобга олган Зулхайо Алиева, Нозима Набиева, Ҳадия Бақоева, Хурсанд Исмоилова сингари врач ҳамда ҳамширалар ота-оналар, ёшлар ўртасида тушунтириш-ташвиқот ишларини ҳам олиб боришапти. Аҳил жамоанинг она ва бола саломатлигини мустақамлаш, даволашнинг самарали усуллари қўллаш борасидаги изланишлари яхши самара бермоқда. Чунончи, шифохонанинг "Энг яхши нарсалар болалар учун" деб номланган лойиҳаси Япония хукумати кичик ҳажми ижтимоий лойиҳаларга ажратиладиган грантига сазовор бўлди. Бу эса шифохонага жаҳон стандартлари даражасидаги янги тиббий жиҳозлар, шунингдек, тренажёрлар олиш имкониятини яратди. Эндиликда, табиийки, даволаш самардорлиги янада ошади. "Мустақкам оила йили" Давлат дастури замирида ҳам айнан шу мақсад ётибди. Зеро, соғлом авлод юрт келажагидир.

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Кўрғазма

Пойтахтимиздаги Маданият ва санъат кўрғазмасида Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими Куронбой Отоев ва карикатурачи-рассом Махмуд Эшонқулнинг "Қулиб яшайлик" деб номланган кўрғазмаси очилди.

«Қулиб яшайлик»

Республика Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Бадий ижодкорлар уюшмаси томонидан ташкил этилган ушбу кўрғазмада етмишга яқин асарлар ўрин олган. Карикатурачилик соҳасида ўз йули ва мухлисларига эга бўлган ҳар икки ижодкорнинг умумбашарий мавзулар — одам савдоси, ичимлик суви исрофгарчилиги, атроф-муҳит ва экологик муаммоларга оид асарлари томошабинни бефарқ қолдирмайди. Улар Ватанимизнинг ҳар қарич ери муқаддаслиги, уни асраб-авайлаш бурчимиз эканлигини уқтираётгандек туюлади, гўё. Умуман, кўрғазмадаги ҳар бир асар она-табиатни кўз қорачиғидек дасраш, уни эъзозлашга даъват этади.

М. КАРИМОВА.

Танлов

Ғиждувон туманидаги 62-мактаб ўқувчиси Комрон Комиловнинг китоб жавони соҳибқирон Амир Темур ҳаёти ва у яшаган давр тарихига оид асарлар билан бойиди.

Комрон учун китоблар

Аънавий Билимлар беллашувининг вилоят босқичида тарих фани бўйича қатнашиб, биринчи ўринни эгаллаган Комронга ушбу китобларни синфдошлари совға қилди. Бу галги бахсларда 600 нафардан зиёд билимли, интилувчан ўғил-қизлар иштирок этади. Умумтаълим ҳамда ихтисослаштирилган таълим муассасалари ўқувчилари ўртасида алоҳида ўтказилган билимлар синови натижаларига кўра совриндорлар номи аниқланди. Ғолиблар беллашувининг республика босқичида иштирок этади.

И. ИСТАМОВ.

Яшил олам сеҳри

Ҳамид Йўлчиев эсини танибдики, табиат гўзалликларига ошно. Юртимизнинг турли минтақалари ва кўпгина хориж мамлакатларига ўсадиган ноёб гул ва манзарали дарахт ниҳолларини кўпайтириш ҳаётининг мазмунига айланган. Унинг орзуларидан бири — мамлакатимиз ва дунёдаги антиқа декоратив ўсимликлардан мўъжаз бир бог яратса-ю, уларни иқлимимизга мослаштириб кўпайтирсан. Бироқ пойтахтимизда жойлашган ўзининг дўппидек ҳовлисига бунинг имкони қани?..

Ибрат

Богбоннинг орзулари истиклолимиз тубайли ушалди. Унинг халқимизга берган имкониятларидан фойдаланиб, мулкдорга айланди. Шаҳар ташқарисидан ер олиб, шахсий деҳқон хўжалигини ташкил этди. Унинг мақсадини болаликдан бирга ўсган уч-тўрт даврадош дўстлари ҳам қувватлаб, қўмақлашди. Қарабсизки, бугун Ўрта Чирчиқ тумани, Ангор қишлоғида Ҳамид Йўлчиев томонидан яратилган кўчатзорнинг довуруғи чор-атрофга ёйилиб улгурди. Хозир бу ажабтовур боғни дарахтлар келувчиларнинг сон-саногини йўқ. Улар мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан атайин Ҳамид богбоннинг тажрибаларини ўрганмиш, шу баҳонада ноёб кўчатлардан намуналар олиш учун келадилар.

— Буни қаранг, гулзор оралаб юрганимга ҳам қирқ йилдан ошибди, — дейди Ҳамид Йўлчиев. — Шунча йил ичида англадимки, гул парваришlash, ўсимликлар билан тил топишиш нозик ва мураккаб иш экан. Очиги, менга қолса, гулчиликни ҳам бир санъат, дегим келади. Қолаверса, бу нафақат ўзим ва оилам, балки бутун юртимиз учун нақадар фойдаланиши мўътадиллаштириб, нисбий намликни керакли даражада таъминлаб берувчи агрегатлар...

Бу ерга қачон келманг, қишдами, ёздами, яшил олам жозибасига мафтун бўласиз. Ҳамид ака бу ерда жам бўлган наботот марваридларига бирма-бир, эринмай таъриф берар экан, хозирча илмий асосланмаган тажрибалари, изланишлари фавқуллоҳда ноёб самаралар бераётганини ҳаяжон билан сўзлайди. Шунда беихтиёр она-заминимиз саховати, мўъжизакор қудратига таҳсин ўқийсиз.

Кўнгли ободнинг толеи бандан, дейишади. Дарҳақиқат, Ҳамид Йўлчиев каби гўзалликка ошно инсонлар ўз меҳнати, фидокорлиги билан юртимиз шаҳару қишлоқлари, бог ва хиёбонларининг бундан-да обод ва кўркам бўлиб боришига ҳисса қўшмоқдалар.

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Кўчмас мулк сотишни ёки сотиб олишни хоҳлайсизми?

Бу борада ишончли ҳамкор излаяпсизми?

Унда шошилиб таваккал қилманг.

Акс ҳолда, вақтингиз ҳамда нақдингизни беҳудага совиришингиз мумкин.

Кўчмас мулк бозорида 1-сонли риэлторлик лицензиясига эга бўлган «KOC'HMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ сизга кўчмас мулк, хусусан, ишлаб чиқаришга доир бино-иншоотлар ҳамда тураржой биноларини сотиш ва сотиб олишда ишончли хизмат кўрсатади.

Бунинг учун жамиятимиз юқори малакали мутахассисларининг (+99890) 998-62-72, 977-82-55, 977-77-85 телефонларига кўнгирак қилинг ва улар билан тўғридан-тўғри боғланинг. Кўчмас мулкнинг оммавий тарзда ўтказиладиган савдоларда шакланган ҳақиқий нархлар билан тақосланган ҳолда, республика миқёсида тарғиб этилиб, энг юқори нархда сотилиши кафолатланади.

Маслаҳат ва консалтинг хизматлари қонунчиликда белгиланган тартибда, шартномалар асосида амалга оширилади.

«KOC'HMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ томонидан кўрсатиладиган хизматлар сифати, қўлайлиги ва арзонлиги билан сизни, албатта, қувонтиради.

Унутманг!

«KOC'HMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ кўчмас мулк бозорида энг биринчи ва энг ишончли ҳамкордир.

Лицензия: RR-0001.

Мурожаат қилинг ва барака топинг!

«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АК

«ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТРАНСПОРТ ТАРМОҒИ» ФИЛИАЛИ

АХОЛИНИНГ АЛОҚА ХИЗМАТЛАРИГА БЎЛГАН ЭЪТИЁЖИНИ ҚОНДИРИШ, МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИНИ БОШҚАРИШ ВА ТИНЧЛИГИ УЧУН ХИЗМАТ ҚИЛАЁТГАН МАГИСТРАЛЬ АЛОҚА ЛИНИЯЛАРИ ТАРМОҒИ МУҲОФАЗАСИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ СУРАДИ.


Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 майдаги 210-сонли қарори билан тасдиқланган «Телекоммуникация линиялари ва иншоотларини муҳофаза қилиш қондаларига мувофиқ, магистраль алоқа линияларининг муҳофаза зонасига рухсатсиз кириб ишлаш ва уларга шикаст етказувчи ҳар қандай турдаги ишларни бажариш, жумладан:

- рухсатсиз қурилиш ишлари олиб бориш ва иншоотларни тиклаш;
- магистраль алоқа кабель линиялари устидан йўл ва ўтиш жойлари ўтказиш, автомобил, трактор ва бошқа транспорт воситалари учун тўхташ жойлари қуриш, жамоатчилик боғлари ва томоқлар ташкил этиш;
- магистраль алоқа кабеллари ўтган жойларни кўрсатувчи оғохлантириш устунлари ва белгиларини ўзбошимчилик билан қўчириш, синдириш, қўйиб юбориш;
- турли қурилиш-монтаж ва портлатиш ишларини олиб бориш;
- магистраль алоқа кабель линиялари муҳофаза зонасига қудуқлар қазиб, шурф қурилиши ҳамда геологик, геодезия ва бошқа қидирув ишларини олиб бориш;
- чиқиндилар ташлаш, кислота, туз ва ишқор эритмаларини тўкиш;
- магистраль алоқа кабель линиялари ўтган ерда гулханлар ёкиш **КАТЪИЯН ТАКИҚЛАНАДИ.**

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча хўжалик юритувчи субъектлар ва жисмоний шахслар алоқа кабелларининг муҳофаза ҳудудларида ер қазиб, ер текислаш, тупроқ олиш, қурилиш ва бошқа ишларни қатъий равишда **ФАҚАТ АЛОҚА ХОДИМЛАРИНИНГ НАЗОРАТИ ОСТИДА** амалга ошириши лозим.

АЛОҚА КАБЕЛЛАРИНИНГ ШИКАСТЛАНИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАНГ! ХУШЁР ВА ЭЪТИЁР БОЎЛИНГ!

Алоқа кабелларининг муҳофаза ҳудудларида алоқа ходимларининг назоратсиз ер қазиб, ер текислаш, тупроқ олиш ва бошқа ишларни бажариб, алоқа кабелларининг зуллишига ёки уларга шикаст етказилишига йўл қўйган ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ёхуд жисмоний шахс қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади ва алоқа корхоналарига келтирилган моддий зарар улардан ундириб олинади.



ЭСДА ТУТИНГ! Агар сизда магистраль алоқа кабелларининг муҳофаза ҳудудларида ер қазиб ва қурилиш ишларини амалга ошириш зарурати туғилса, кабель трассини ўзбошимчилик билан аниқлашга уринманг ҳамда бу масалада «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси «Телекоммуникация транспорт тармоғи» филиалининг ҳудудий боғламаларига ёки магистраль алоқа кабелли трассаси белгисига кўрсатилган кабель участкаси манзилига мурожаат этинг.

Магистраль алоқа линияларини эксплуатация қилувчи боғламалар ва уларнинг кабель участкаси манзиллари ҳамда боғлашиш телефон рақамлари:		
«ТТТ» филиали Биринчи боғламаси, Тошкент ш., Қозитарнов к., 29-уй	(8-371) 234-20-11, 235-36-59 (соат 8.00 — 17.00)	
Биринчи линия кабель цехи, Тошкент ш., Буюк Ипак йўли к., 264-уй	(8-371) 265-80-43 (соат 8.00 — 17.00) (8-371) 155-27-20	
Иккинчи линия кабель цехи, Янгийўл ш., Чарикова к., 172-уй	(8-595) 199-19-31 (8-595) 199-19-32 (8-595) 199-19-36	
Тошкент шаҳар кабель участкаси, Пакта кабель участкаси, Чинноз тумани, Серсен к., 30-уй	(8-595) 250-37-45 (соат 8.00 — 17.00)	
Учинчи линия кабель цехи, Тўйлепа ш., Спорт к., 45-уй	(8-595) 199-19-31 (8-595) 199-19-32 (8-595) 199-19-36	
Ангрэн шаҳар кабель участкаси, Амир Темур к.	(8-370) 762-11-21 (соат 8.00 — 17.00) (8-593) 370-38-89 (8-593) 183-23-46, (8-370) 662-27-61 (8-595) 177-06-64, (8-370) 912-54-11	
Бекобод шаҳар кабель участкаси, Х. Ходжимуратов 2-берк к., 18-«А» уй	(8-373) 552-34-17, 552-21-66 (8-373) 552-24-71, 552-22-01 (соат 8.00 — 17.00)	
«ТТТ» филиали Иккинчи боғламаси, Кўхон ш., Истиклол к., 58-уй	(8-373) 529-24-55, (соат 8.00 — 17.00) (8-590) 556-05-58 (8-373) 612-23-66 (соат 8.00 — 17.00) (8-595) 400-03-98 (8-599) 225-08-82 (соат 8.00 — 17.00) (8-369) 300-03-41 (8-374) 222-23-81 (соат 8.00 — 17.00) (8-595) 202-02-39	
«ТТТ» филиали Учинчи боғламаси, Гулистон ш., Дўстлик кўрғани	(8-367) 227-16-20, 225-29-92 (соат 8.00 — 17.00) (8-595) 510-10-09 (8-595) 510-10-04	
Сирдарё кабель участкаси, Сирдарё ш., Ўзбекистон к., Алоқа уйи	(8-367) 272-30-28 (соат 8.00 — 17.00) (8-595) 510-10-27 (8-372) 226-22-07 (соат 8.00 — 17.00) (8-595) 510-10-41 (8-595) 510-10-42	
«ТТТ» филиали Тўртинчи боғламаси, Булунгур ш., Самарқанд к., 18-уй	(8-366) 442-25-60, 442-68-05 (соат 8.00 — 17.00) (8-595) 199-00-55, 177-50-05, 500-19-07	
«ТТТ» филиали Бешинчи боғламаси, Бухоро ш., Ғиждувон к., 69-уй	(8-365) 224-45-41 (соат 8.00 — 17.00) (8-365) 223-38-37, 224-55-42 (8-365) 223-65-23, 224-46-42 (8-365) 228-53-22 (соат 8.00 — 17.00)	
Линия кабель цехи, Бухоро ш., Шейхон к., 71-уй	(8-361) 222-37-07, 222-00-43 (соат 8.00 — 17.00) (8-361) 601-14-91, 502-88-84, 701-19-19 (8-361) 222-37-07 (соат 8.00 — 17.00) (8-361) 354-10-26 (8-361) 222-37-07 (соат 8.00 — 17.00) (8-361) 601-14-91, 354-10-25 (8-361) 222-37-07 (соат 8.00 — 17.00) (8-361) 601-14-91, 353-00-13 (8-361) 601-05-28, (8-593) 363-30-90	
«ТТТ» филиали Олтинчи боғламаси, Нукус ш., Ашхобод к., 1-уй	(8-361) 222-37-07, 222-00-43 (соат 8.00 — 17.00) (8-361) 601-14-91, 502-88-84, 701-19-19 (8-361) 222-37-07 (соат 8.00 — 17.00) (8-361) 354-10-26 (8-361) 222-37-07 (соат 8.00 — 17.00) (8-361) 601-14-91, 354-10-25 (8-361) 222-37-07 (соат 8.00 — 17.00) (8-361) 601-14-91, 353-00-13 (8-361) 601-05-28, (8-593) 363-30-90	
Кабель участкаси, Тўртқўл ш., Туман телекоммуникация боғламаси	(8-361) 222-37-07, 222-00-43 (соат 8.00 — 17.00) (8-361) 601-14-91, 502-88-84, 701-19-19 (8-361) 222-37-07 (соат 8.00 — 17.00) (8-361) 354-10-26 (8-361) 222-37-07 (соат 8.00 — 17.00) (8-361) 601-14-91, 354-10-25 (8-361) 222-37-07 (соат 8.00 — 17.00) (8-361) 601-14-91, 353-00-13 (8-361) 601-05-28, (8-593) 363-30-90	
Тўртқўл кабель участкаси, Беруний ш., Туман телекоммуникация боғламаси	(8-361) 222-37-07, 222-00-43 (соат 8.00 — 17.00) (8-361) 601-14-91, 502-88-84, 701-19-19 (8-361) 222-37-07 (соат 8.00 — 17.00) (8-361) 354-10-26 (8-361) 222-37-07 (соат 8.00 — 17.00) (8-361) 601-14-91, 354-10-25 (8-361) 222-37-07 (соат 8.00 — 17.00) (8-361) 601-14-91, 353-00-13 (8-361) 601-05-28, (8-593) 363-30-90	
Кўнгирут кабель участкаси, Кўнгирут ш., Туман телекоммуникация боғламаси	(8-361) 222-37-07, 222-00-43 (соат 8.00 — 17.00) (8-361) 601-14-91, 502-88-84, 701-19-19 (8-361) 222-37-07 (соат 8.00 — 17.00) (8-361) 354-10-26 (8-361) 222-37-07 (соат 8.00 — 17.00) (8-361) 601-14-91, 354-10-25 (8-361) 222-37-07 (соат 8.00 — 17.00) (8-361) 601-14-91, 353-00-13 (8-361) 601-05-28, (8-593) 363-30-90	
Жаслик кабель участкаси, Кўнгирут тумани, Жаслик аҳоли пункти, Тулей станцияси	(8-361) 222-37-07, 222-00-43 (соат 8.00 — 17.00) (8-361) 601-14-91, 502-88-84, 701-19-19 (8-361) 222-37-07 (соат 8.00 — 17.00) (8-361) 354-10-26 (8-361) 222-37-07 (соат 8.00 — 17.00) (8-361) 601-14-91, 354-10-25 (8-361) 222-37-07 (соат 8.00 — 17.00) (8-361) 601-14-91, 353-00-13 (8-361) 601-05-28, (8-593) 363-30-90	
«ТТТ» филиали Еттинчи боғламаси, Термиз ш., Тараққийт к., 32-уй	(8-376) 223-13-85, 223-13-79 (соат 8.00 — 17.00) (8-376) 227-41-14, 242-11-25, 242-11-44 (8-376) 227-37-62, (8-595) 501-11-07	
16-линия техник цехи, Денов ш., Ш. Темиров к., 4-уй	(8-375) 221-02-41, 221-06-86 (соат 8.00 — 17.00) (8-375) 221-17-25, 505-05-14 (8-375) 552-11-67 (соат 8.00 — 17.00) (8-375) 505-05-14	
«ТТТ» филиали Тўққизинчи боғламаси, Урган ш., Дўсов к., 2-уй	(8-362) 226-36-58, 226-36-33 (8-595) 602-18-01, 602-22-13	
«ТТТ» филиали Учинчи боғламаси, Навоий ш., Карманя к., 2-«Б» уй	(8-436) 224-74-21 (8-590) 730-56-41 (8-366) 455-24-54	
Биринчи линия техник цехи, Каттақўрғон ш., Чағанқо қишлоғи	(8-365) 572-14-75	
Биринчи кабель участкаси, Ғиждувон ш., Фовшон қишлоғи	(8-436) 593-09-35 (соат 8.00 — 17.00) (8-595) 603-12-42	
Иккинчи кабель участкаси, Учкудук ш., ДЭУ кўрғони	(8-436) 593-09-35 (соат 8.00 — 17.00) (8-595) 603-12-42	

Тошкент шаҳар, Юнусобод туманида давлат рўйхатидан ўтган "NEUTRON-ALFA" хусусий корхонаси тугатилади. Барча давво ва эътирозлар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой мuddат ичида қуйидаги манзилда қабул қилинади:

Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Қорақамиш кўчаси, 2-уй.
Телефонлар: 167-54-63, 221-03-40.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси